



ОММАВИЙ ОФЕРТА  
«Пуллик рақамли телевиденияга хизмат кўрсатиш шартномаси»

**5.3. Абонент мажбуриятлари:**

- 5.3.1.** Белгиланган техник талабларга мувофиқ Абонент ускуналаридан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибига тўлиқ жавоб бериш;
- 5.3.2.** Абонент ускуналарини ишдан чиқса, дарҳол Провайдерга ёзма равишда хабар бериш. Фақат шундагина Абонент ёзма мурожаат қилган санасидан Абонент ускуналарини тиклаш санасигача Абонент тўлови қайта ҳисобланади;
- 5.3.3.** Мазкур Шартнома шартлари акцепт қилишдан олдин, шартларни ўрганиб чиқади ва рози бўлган тақдирда акцепт қилади;
- 5.3.4.** Абонент ускуналаридан мавжуд маълумотлардан нусха кўчирмаслик, ўзгартирмаслик ёки бошқа усулда ундан фойдаланмаслик. Маълумотларни руҳсатсиз ишлатиш ман этилади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади;
- 5.3.5.** Хизмат ва Қўшимча хизматлар учун мазкур Шартнома билан назарда тутилган шарт ва тартибда ўз вақтида ва тўлиқ тўловни амалга ошириш;
- 5.3.6.** Провайдер ҳодимларига, улар хизмат гувоҳномасини ёки руҳсатномасини тақдим этганидан сўнг, Абонентни Хизматларга улаш учун Абонент ускуналари ўрнатиладиган ҳоналар ёки жойларга кириш имкониятини тақдим этиш;
- 5.3.7.** Хизматлардан фойдаланганда вужудга келган муаммолар ҳақида, шу жумладан телевидение сигнали йўқолигани ҳақида дарҳол Call-Center га кўнгирок қилиб ёки Провайдер офисига мурожаат қилиб, Провайдерга хабар бериш;
- 5.3.8.** Мазкур Шартномада келтирилган абонент маълумотларида (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи, телефонлар рақамлари) ўзгаришлар ҳақида 5 кун ичида хабар бериш;
- 5.3.9.** Янги ахборот хабарномалар, Хизматлар бўйича тарифлар ўзгариши, Қўшимча хизматлар рўйхати, Хизматлар ўчирилиши, профилактика ишлари, қарздорлик мавжудлиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқиш учун, Провайдер Сайтини/Шахсий кабинетини мунтазам равишда, haftaда камида бир мартаба таъминлаш туриш;
- 5.3.10.** Оммавий намойиш, кейинчалик намойиш қилиш учун кўрсатувларни ёзиб олишни амалга оширмаслик, ҳамда ўз ускуналаридан фойда олиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан уни кабель телевидение ёки бошқа телевидение тармоғига улаш йўли билан, ҳамда Абонент ускуналаридан мазкур Шартнома билан назарда тутилмаган максалларда фойдаланмаслик;
- 5.3.11.** Унга берилган шахсий идентификация маълумотларининг махфийлигини сақлаш;
- 5.3.12.** Абонент Провайдернинг офисига рўйхатдан ўтаказмасдан туриб ускунани 3-шахсга бериши ман этилади. Агарда Абонент Провайдерни огоҳлантормасдан ускунани 3-шахсга бериб ювorsa, Провайдер Абонент шартномасини санкациялаштирилмаган ҳолда фойдаланиши учун жавобгарликни ўз бўйича олмайд.

**5.4. Абонент ҳуқуқлари:**

- 5.4.1.** Мазкур Шартнома билан назарда тутилган Хизматлар ва Қўшимча хизматлардан фойдаланиш;
- 5.4.2.** Ўз Шахсий ҳисоб рақами аҳоли ҳақида маълумот сўраш, Хизматлар бўйича Провайдер офиси, Сайти ёки Call-Center орқали маслаҳат олиш, мазкур Шартнома билан назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш. Сўров берилганда, Абонент ўз абонент маълумотларини тақдим этиши керак: Шахсий ҳисоб рақами (ID) ёки Абонент ускунаси рақами;
- 5.4.3.** Провайдерга мазкур Шартномага асосан Провайдер мажбуриятларини бажарилиши бўйича, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ эътирозлар келтириш;
- 5.4.4.** Абонент икки ва ундан кўп нукталарни улаған тақдирда, барча тузилган Шартномалар бўйича Шахсий рақамларни бирлаштириш;
- 5.4.5.** Телеканаллар Пакетини алмаштириш, Провайдер офисларида ёки Шахсий кабинет орқали Ариза расмийлаштириш йўли билан жорий календарь ойи туганидан камида 3 (уч) иш келишувига эришиш имконияти бўлмаса, вужудга келган низо Ўзбекистон Республикасининг календарь ойининг биринчи санасидан кучга киради;
- 5.4.6.** Қўшимча хизмат орқали “Вақтинча ўчириш”, 12 календарь ойи муддатга Абонент тўловини ҳисоблаганидан ҳолда Хизмат тақдим этилишини тўхтатиб туриш. Хизмат нархи Провайдер Сайтида келтирилган. Мазкур хизматдан фойдаланиш учун, Абонентнинг ижобий имкониятлари мавжуд Худуд ҳақида, амалдаги тарифлар тўғрисида хабардор қилинганлигини ва баланс мавжудлигига хизматдан фойдаланиш режалаштириладиган ойдан иккинчи ой олдин Абонентга Хизматларни тақдим этиш тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот берилгани билан Провайдер манзилга ёзма ариза жўнатиш керак ёки Шахсий кабинет орқали расмийлаштириш керак. Ариза тақдим этилмаса, ёки у кўрсатилган муддатдан кечроқ топирилса, абонент тўлови умумий шартларда ҳисобланади ва қайта ҳисобланмайди. Агар “Вақтинча ўчириш” хизматдан даролаётган Абонент Провайдер хизматларини муддатидан аввал фаоллаштиришни истаса, Абонент айби билан носозликлар вужудга келса, Провайдер мутахассисларини чақириш, уларни Абонент Хизматдан фойдаланиш санасидан қатъий назар, жорий ой учун абонент тўловини тўлиқ ҳажмда тўлайди;
- 5.4.7.** 8.2-бандга мувофиқ Провайдер билан Шартномани бекор қилиш;
- 5.4.8.** Хизматлардан суткада 24 (йилгирма тўрт) соат, haftaда 7 (етти) кун давомида фойдаланиш, Провайдер, кўрсатувлардан томонидан режалаштирилган ва регламент ишларини бажариш учун танаффуслар бундан истисно, улар бажарилиши тўғрисида маълумот Провайдер Сайти ва/ёки “чопар сатр” орқали эълон қилинади;

**6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1.** Провайдер телевидение сигналнинг сифатини амалдаги стандартларга мувофиқ таъминлайди ва ўз мажбуриятларини бажариш учун, мазкур Шартнома билан назарда тутилган тартиб ва шартларга, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни ўзинга олади.
- 6.2.** Мазкур Шартнома бўйича Қўшимча хизматлар Провайдер айби билан ўз вақтида кўрсатилмаган тақдирда, Провайдер Абонентга ҳар бир кечиктирилган кун учун кўрсатилмаган Қўшимча хизматлар ҳажмининг 0,5% миқдорига, аммо кўрсатилмаган Хизмат қийматининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 6.3.** Қўшимча хизматлар ва / ёки Сарфланадиган материаллар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Абонент Провайдерга ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4% миқдорига, аммо тақдим кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 6.4.** Абонент Провайдер хизматлари учун тўловлар тўғри амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади. Нотўғри Шахсий ҳисоб рақамга тўланган маблағларнинг қолган қисми ўтказилиши, мазкур Шартноманинг 4.12-бандига асосан амалга оширилади.
- 6.5. Провайдер қуйидагилар учун жавобгар бўлмайди:**
- 6.5.1.** Абонент ускуналари носозлиги ёки Абоненти ундан нотўғри фойдаланганлиги оқибатида, ҳамда Провайдерга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра телевидение сигнали сифатсизлиги;
- 6.5.2.** телевидение дастурлари мазмуни;
- 6.5.3.** ускуналар, дастурий таъминот алмаштирилиши ёки Провайдернинг техник тизимларнинг иш қобилиятини сақлаш ва ривожлантириш зарурияти билан боғлиқ ҳолда ўтказилаётган ишлар вақтида Хизмат тақдим этилиши қисман ёки тўлиқ тўхтатилганлиги;
- 6.5.4.** электр тармоғида кучланиш, ҳарорат режими, Абонентнинг телевизор ускунаси техника талабларига жавоб берамаслиги каби фойдаланиш учун нормал шароитлар мавжуд эмаслигида, тасвир сифати ёмонлиги;
- 6.5.5.** Абонент ускуналари ишдан чиқиши;
- 6.5.6.** Абонент томонидан мазкур шартлари бажарилмаганлиги;
- 6.5.7.** кўрсатув узатилиши стандарти ўзгариши;
- 6.5.8.** дастурлар жадвали ўзгариши ёки телеканал Пакетида у ёки бу канал намойиш этилиши тугатилганлиги (тўхтатилганлиги);
- 6.5.9.** Абонент ускуналари мустақил ва/ёки учинчи шахслар томонидан ўрнатилган бўлса, телевидение сигнали сифатсиз қабул қилиниши;
- 6.6.** Пеня тўлиниши тарафларни мазкур Шартнома билан назарда тутилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.
- 6.7.** Мазкур Шартнома билан назарда тутилмаган Тарафларни жавобгарликка тортиш чоралари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қўлланилади.

**7. ФОРС-МАЖОР**

- 7.1.** Тарафлар мазкур Шартнома имзоланганидан сўнг энгил бўлмас кучга эга вазиятлар оқибатида ўз мажбуриятларини бажармаса ёки қисман бажармаса, улар жавобгарликдан озод этилади. Бундай ҳолатларга, жумладан, қуйидагилар киради: табиий офатлар, табиий ва саноят фожиалар, террористик ҳаракатлар, ҳарбий ҳаракатлар, фукаровий галаёнлар, давлат ҳукумати органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мазкур Келишув бўйича Тараф фаолиятига нисбатан чеклов ёки тақиқ мавжуд қарорлар қабул қилиниши, сунъий йўлдошдан сигнал даражаси пасайиши ёки йўқолиши, ҳамда олдиндан билиб бўлмайдиган ва бартараф қилиб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар.
- 7.2.** Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қиладиган энгил бўлмас кучга эга вазиятлар вужудга келганда, Тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш муддати келганда Тарафларга улар айтиб ўтилган муддатдан ортиқ давом этиши аниқ бўлса, Тарафлар мазкур Шартномани бошқа йўл билан бажариш эҳтимолини муҳокама қилишга ёки зарарларни қопламаган ҳолда уни бекор қилишга розилигини билдиришади.

**5. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНГА ЎЗГАРТИРИШ ҚИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 8.1.** Мазкур Шартноманинг шартлари Абонент томонидан акцепт қилинганидан сўнг кучга киради ва Тарафлар уни бекор қилгунча ёки тугатмагунча амал қилади.
- 8.2.** Абонент Провайдерга ёзма ариза топириб, паспортнинг асл нусхасини тақдим этиб, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин. Фойдаланилмаган давр учун олдиндан қилинган тўлов Абонентнинг ёзма талабномаси асосида 20 банк иш куни ичида қайтарилади;
- 8.2.1.** 8.2-банд асосида тугатилганидан сўнг, у қайта тикланмайди. Мазкур Шартнома бекор қилинганидан сўнг Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари тушиши, Провайдер Хизматларини тиклаш учун асос бўлмайди. Абонент Провайдер Хизматларидан фойдаланиш учун янги Шартномасини тузишга ҳақли.
- 8.3.** Қуйидаги ҳолатларда Провайдер Абонентга жарималар тўламасдан ва ишлатилмаган пул маблағларини қайтармасдан мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин:
- 8.3.1.** Абонент томонидан Абонент ускуналарига техник таъсир кўрсатгани учун;
- 8.3.2.** Абонент томонидан, руҳсатсиз учинчи шахсларга хизматлардан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар учун.
- 8.4.** Провайдер фаолияти тугатилганда, Шартнома бекор қилинади;
- 8.5.** Абонент ускуналарини ўрнатиш учун техник ёки бошқа имконият бўлмаса, Шартнома бекор қилинади, пул маблағлари 20 банк иш куни ичида қайтарилади.
- 8.6.** Мазкур Шартномага барча ўзгартариш ва қўшимчалар Провайдер Сайтида чоп этилади. Абонент Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар билан рози бўлмаса, у 8.2-бандга мувофиқ Шартномани бекор қилиши мумкин. Ёзма ариза мавжуд эмаслиги, унинг ўзгартариш ва

**9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 9.1.** Мазкур Шартномани бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар имкон қалар Тарафлар ўртасида муозакарлар йўли билан ҳал этилади. Тарафлар ўртасида ўзаро келишувига эришиш имконияти бўлмаса, вужудга келган низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ судда кўриб чиқилади.

**10. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР**

- 10.1.** Абонент мазкур Шартномани тузиш вақтида Хизмат тақдим этилишининг барча шартлари, шу жумладан Провайдернинг рақамли телевидение сигнални қабул қилиш техник имкониятлари мавжуд Худуд ҳақида, амалдаги тарифлар тўғрисида хабардор қилинганлигини ва баланс мавжудлигига хизматдан фойдаланиш режалаштириладиган ойдан иккинчи ой олдин Абонентга Хизматларни тақдим этиш тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот берилгани билан боғлиқ эътирозлар Провайдерга нисбатан йўқлигини тасдиқлайди.
- 10.2.** Провайдернинг Қўшимча хизматларига қафолат муддати бажарилган ишлар доделатномаси имзоланганидан сўнг 1 (бир) календарь ой деб белгиланади. Мазкур муддат ичида Абонент айби билан носозликлар вужудга келса, Провайдер мутахассисларини чақириш, уларни кақириш кунда амалда бўлган тариф бўйича тўланади.
- 10.3.** Ускуналарига қафолат муддати ишлаб чиқарувчи завод томонидан Абонент юк хати чет-фақтурани имзолаган кундан бошлаб 12 календарь ойига белгиланган, ускуна сифати ва иш қобилияти бўйича эътирозлар Абонент заводга мустақил мурожаат қилганда, завод томонидан кўриб чиқилади.
- 10.4.** Абонент мустақил равишда хизмат кўрсатиш марказларига мурожаат қилганда абонент ускуналари сифати ва ишлаб лаетади бўйича эътирозлар ва Абонент ускуналари бўйича қафолат ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланади. Абонент ускуналарига хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисидаги маълумотларни Провайдер офислари, расмий веб-сайти ёки Call-Center орқали билиб олиш мумкин.

**ПРОВАЙДЕР РЕКВИЗИТЛАРИ**

«UZDIGITALTV» МҶҲ, 100202, Тошкент ш., Амир Темури кўчаси, 109-А. Ҳисоб рақами: 20208000404813150001 «АЛОҚАБАНК» АТ Тошкент шаҳри  
МФӨ: 00401, СТИР:207027936 ОКЭД: 61 100 Е-mail: info@uzdtv.uz. Телефон: (+990 71) 129 9000.

**Мазкур Шартномани қабул қилиш бўйича ҳаракат ёки қуйида келтирилган реқвизитлар бўйича тўлов қилиш, Сиз мазкур Шартнома шартларини бирор бир истисносив ва /ёки чекловсиз тўлик ва шартсиз қабул қилганингизни билдиради.**